Sahifani PDF tarzda yuklab olish (114 Kb) Versiyasi Sahifani doc tarzda yuklab olish (114 KB)

# 17.11.2014-№241б

Лойиха

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 ноябрдаги 07-02/1-2589-сонли “2014 йилнинг 9 ойида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йил учун белгиланган энг муҳим устувор вазифаларини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 236-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил
17 ноябрдаги 07-02/1-2589-сонли “2014 йилнинг 9 ойида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йил учун белгиланган энг муҳим устувор вазифаларини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 236-сонли баёни ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил
17 ноябрдаги 07-02/1-2589-сонли “2014 йилнинг 9 ойида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йил учун белгиланган энг муҳим устувор вазифаларини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 236-сонли баёни қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикасинининг шаҳар ва туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши борасидаги топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан Назорат режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур назорат режанинг ижросини таъминлаш юзасидан мувофиқлаштирувчи мониторинг гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Мониторинг гуруҳи (Ж.Ембергенов):

Баён бандлари ижросини таъминлаш бўйича ташкилий масалаларни олиб бориш;

Бандма-банд ижроси бўйича назорат механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Олиб борилган ишларни мувофиқлаштириб бориш ва умумлаштирилган маълумотларни ҳар ҳафтанинг жума куни муҳокама қилиб бориш ва баён топшириқларининг бандма-банд муҳокамаси бўйича маълумотлар тайёрлашни ҳамда ҳар ҳафтанинг шанба куни Вазирлар Кенгашига маълумотлар киритиб боришни таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши комплекслари раҳбарларига (Ж.Ембергенов, М.Мамутов, З.Ибрагимова) комплекслар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур фармойиш топшириқлари ижроси бўйича ҳар ҳафтада муҳокама қилиб борсинлар.

6. Манфаатдор вазирлик ва идоралар раҳбарлари мазкур фармойиш топшириқларининг бажарилиши бўйича тегишли тадбирларни амалга оширсинлар ва ҳар ҳафтанинг якуни билан мониторинг гуруҳига маълумот киритиб борсинлар.

7. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Қорақалпоғистон Республикаси**

**Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Б.Янгибаев**

Нукус ш.,

2014 йил, 17 ноябр

№241б

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг

2014 йил 17 ноябрдаги 241б-сонли фармойишига

2-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил
17 ноябрдаги 07-02/1-2589-сонли “2014 йилнинг 9 ойида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йил учун белгиланган энг муҳим устувор вазифаларини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 236-сонли баёни ижросини мувофиқлаштирувчи мониторинг гуруҳи таркиби

| | | |
|---|---|---|
| Ж.Ембергенов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиснинг биринчи ўринбосари, мониторинг гуруҳи раҳбари |
| М.Мамутов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиснинг ўринбосари, мониторинг гуруҳи раҳбарининг ўринбосари |
| К.Набатов | - | Иқтисодиёт вазири в.в.б. |
| М.Достанов | - | Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи |
| З.Ханиязов | - | “Туямуйин-Нукус” ҳудудий сув ўтказгичлардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи |
| З.Керимзатов | - | “Қорақалпоқэлектртармоқлари” ОАЖ раиси |
| А.Қудайназаров | - | “Шимолгазтаъминот” унитар корхонаси бошлиғи |
| М.Аметов | - | Вазирлар Кенгашининг котибият бошлиғи |
| С.Бердимуратова | - | Вазирлар Кенгашининг котибият бошлиғи |
| А.Сейтимбетов | - | Вазирлар Кенгашининг бош мутахассиси, мониторинг гуруҳ котиби |

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг**
**2014 йил «17» ноябрдаги**
**241б-сонли фармойишига**
**1- илова**

## Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари йиғилишининг 2014 йил 1 ноябр кунги «2014 йилнинг 9 ойида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йил учун белгиланган энг муҳим устувор вазифаларини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида »ги 236-сонли баёни ижросини таъминлаш юзасидан Н А З О Р А Т Р Е Ж А С И

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Мамутов, Иқтисодиёт вазирлиги (Набатов) шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда 15 кун муддатда:<br>2014 йилда Қорақалпоғистон Республикасни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳар бир худуд ва тармоқлар бўйича қўшимча лойиҳалар ишлаб чиқиб, ахоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш чораларини кўрсинлар;<br>- шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан бирга 10 кун муддатда янги имкониятлар ва заҳираларни доимий аниқлаб бориш ҳамда лойиҳалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудлардаги иқтисодиёт комплекси ходимларини маҳаллалар ва лойиҳалар кесимида бириктириб чиқсин ва кунлик ҳисобот бериб бориш тизимини жорий қилсин. | 2014 йилда Қорақалпоғистон Республикасни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳар бир худуд ва тармоқлар бўйича қўшимча лойиҳалар ишлаб чиқиш, ахоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш чораларини кўриш;<br><br>Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари билан бирга янги имкониятлар ва заҳираларни доимий аниқлаб бориш ҳамда лойиҳалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудлардаги иқтисодиёт комплекси ходимларини маҳаллалар ва лойиҳалар кесимида бириктириб чиқиш ва кунлик ҳисобот бериб бориш тизимини жорий қилиш. | Иқтисодиёт вазирлиги (Набатов), Статистика бошқармаси (Омаров), Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | М.Мамутов, А.Жуманиязов |
| 2 | Шўманой (Давлетмурадов), Қонликўл (Сайжанов), Кегайли (Даулетов), Тахтакўпир (Шоназаров), Чимбой (Қазақбаев) ва Нукус (Сейтназаров) туманлари ҳокимлари лойиҳалар сонини йил якунига қадар янада кўпайтириш ва уларни йил якунига қадар ишга туширишга шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин. | 2014 йилда Қорақалпоғистон Республикасни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳар бир худуд (Шўманой, Қонликўл, Кегайли, Тахтакўпир, Чимбой ва Нукус туманлари) ва тармоқлар бўйича ишлаб чиқилган қўшимча лойиҳалар сонини янада кўпайтириш ва уларни ишга туширишни таъминлаш. | Иқтисодиёт вазирлиги (Набатов), Статистика бошқармаси (Омаров), Шўманой (Давлетмурадов), Қонликўл (Сайжанов), Кегайли (Даулетов), Тахтакўпир (Шоназаров), Чимбой (Қазақбаев) ва Нукус (Сейтназаров) туманлари ҳокимликлари | М.Мамутов, А.Жуманиязов |
| 3 | Шўманой (Давлетмуратов), Тахтакўпир (Шаназаров), Чимбой (Қазақбаев), Мўйноқ (Утениязов) ва Нукус (Сейтназаров) туманларида кўрсатилган хизматлар ҳажми ўртача аҳоли жон бошига Қорақалпоғистонда энг камлиги ва Беруний (Эрманов), Хўжайли (Ешбаев) ва Элликқалъа (Худайбергенов) туманларида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг<br>4 туридан белгиланган режалар бажарилмаганлиги мазкур туманлар ҳокимларига кўрсатиб ўтилсин ва жорий йил якунига қадар ижобий ўзгариш бўлмаган тақдирда кескин чоралар кўрилиши белгилаб қўйилсин. | Шўманой, Тахтакўпир, Чимбой, Мўйноқ ва Нукус туманларида кўрсатилган хизматлар ва Беруний, Хўжайли ва Элликқалъа туманларида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг 4 туридан белгиланган режаларига асосан бажариш чораларини кўриш. | Иқтисодиёт вазирлиги (Набатов), Статистика бошқармаси (Омаров), Шўманой (Давлетмуратов), Тахтакўпир (Шаназаров), Чимбой (Қазақбаев), Мўйноқ (Утениязов), Нукус (Сейтназаров) Беруний (Эрманов), Хўжайли (Ешбаев), Элликқалъа (Худайбергенов) туманлари ҳокимликлари | М.Мамутов, А.Жуманиязов |
| 4 | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Мамутов) Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси (Қосназаров), Давлат солиқ бошқармаси (Достанов), Марказий банк Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси (Алланиязов) ва туманлар (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда ишчи гуруҳ тузиб:<br>икки ҳафта муддатда давлат мулкининг бўш ва ишламаётган объектлари негизида янги ишлаб чиқаришлар, хизматлар соҳаси ва сервис объектларини ташкил этиш назарда тутиладиган лойиҳаларни жойлаштириш, шу жумладан инвестиция мажбуриятлари остида лойиҳа ташаббускорларига "ноль" харид қиймати бўйича сотиш ҳисобига, бундай объектларнинг қўшимча аниқ манзилли рўйхати шакллантирилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласинлар;<br><br>бир ой муддатда барча инвесторларга берилган объектларни ўрганиб чиқиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва яратилган иш ўринлари қониқарсиз бўлган инвесторларга берилган объектларни қайтадан давлат мулкига қайтариш бўйича тегишли чоралар кўрсинлар. | Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, Давлат солиқ бошқармаси, Марказий банк Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси ва туманлар (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда ишчи гуруҳ тузиш.<br>Давлат мулкининг бўш ва ишламаётган объектлари негизида янги ишлаб чиқаришлар, хизматлар соҳаси ва сервис объектларини ташкил этиш назарда тутиладиган лойиҳаларни жойлаштириш, шу жумладан инвестиция мажбуриятлари остида лойиҳа ташаббускорларига "ноль" харид қиймати бўйича сотиш ҳисобига, бундай объектларнинг қўшимча аниқ манзилли рўйхати шакллантирилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминлаш;<br><br>Барча инвесторларга берилган объектларни ўрганиб чиқиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва яратилган иш ўринлари қониқарсиз бўлган инвесторларга берилган объектларни қайтадан давлат мулкига қайтариш бўйича тегишли чоралар кўришни таъминлаш. | Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси (Қосназаров),<br>Давлат солиқ бошқармаси (Достанов),<br>ЎзР Марказий банк ҚР Бош бошқармаси (Алланиязов),<br>Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | М.Мамутов, А.Жуманиязов |
| 5 | Кегайли (Даулетов) ва Беруний туманларида (Эрманов) жорий йил якунига қадар бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган объектларни ишга тушириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш бўйича белгиланган дастур параметрларини сўзсиз бажариш чора-тадбирларни белгиласинлар. | Кегайли ва Беруний туманларида бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган объектларни ишга тушириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш дастур параметрларини сўзсиз бажариш чора-тадбирларни белгилаш. | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Сабуров), Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси (Қосназаров),<br>Давлат солиқ бошқармаси (Достанов),<br>Кегайли (Даулетов), Беруний (Эрманов) туманлари ҳокимликлари | М.Мамутов, А.Жуманиязов |
| 7 | Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Набатов) Давлат солиқ бошқармаси (Достанов) билан биргаликда тугатилаётган ва фаолият кўрсатмаётган корхоналарни тиклаш, бунинг натижасида бюджетга қўшимча маблағ ундирилиши ҳамда янги иш ўринларини яратиш чораларини кўрсинлар. | Иқтисодиёт вазирлиги Давлат солиқ бошқармаси билан биргаликда тугатилаётган ва фаолият кўрсатмаётган корхоналарни тиклаш, бунинг натижасида бюджетга қўшимча маблағ ундирилиши ҳамда янги иш ўринларини яратиш чораларини кўриш. | Иқтисодиёт вазирлиги (Набатов), Давлат солиқ бошқармаси (Достанов),<br>Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | М.Мамутов, А.Жуманиязов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 9 | Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманларининг ижтимоий иқтисодий ривожланишдаги муаммоларини ҳал этиш бўйича қўшимча<br>чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. | Нукус шаҳри ва туманларнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишдаги муаммоларини ҳал этиш бўйича тасдиқланган қўшимча<br>чора-тадбирлар дастури ижро учун қабул қилиш. | Вазирликлар, қўмиталар, идоралар,<br>Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | М.Мамутов, А.Жуманиязов |
| 10 | Марказий банк (Мустафоев), Асака банк (Арипов) билан биргаликда<br>2-иловада кўрсатилган четдан ускуналар олиб келиш учун кичик бизнес субъектларининг маблағларини белгиланган тартибда конвертация қилиш масаласини кўриб чиқсинлар. | Марказий банк, Асака банк билан биргаликда 2-иловада кўрсатилган четдан ускуналар олиб келиш учун кичик бизнес субъектларининг маблағларини белгиланган тартибда конвертация қилиш масаласини кўриб чиқиш. | ЎзР Марказий банкнинг ҚР бош бошқармаси (Алланиязов),<br>Асака банк ҚР бўлими (Ешимбетов) | М.Мамутов, А.Жуманиязов |
| 11 | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Ембергенов, Мамутов), Молия вазирлиги (Содиқов), Иқтисодиёт вазирлиги (Набатов) ва Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бош бошқарма (Алланиязов)си шаҳар ва туманлардаги ижтимоий иқтисодий ривожлантиришдаги муаммоларини (1-илова) ҳал этишда ва мазкур баён топшириқларининг ижросини таъминлаш ва мониторинг юритилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин. | Молия вазирлиги (Содиқов), Иқтисодиёт вазирлиги (Набатов) ва ЎзР Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бош бошқармаси шаҳар ва туманлардаги ижтимоий иқтисодий ривожлантиришдаги муаммоларини (1-илова) ҳал этишда ва мазкур баён топшириқларининг ижросини таъминлаш ва мониторинг юритилиши учун шахсан масъул эканлигини белгилаб қўйиш. | Молия вазирлиги (Содиқов),<br>Иқтисодиёт вазирлиги (Набатов),<br>ЎзР Марказий банкнинг ҚР бош бошқармаси (Алланиязов),<br>Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | Ж.Ембергенов, М.Мамутов, Г.Атаханов, А.Жуманиязов |
| 12 | Хўжайли (Ешбаев) ва Беруний (Эрманов) туманлари ҳокимларига ишбилармонлик муҳити ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичларни таҳлил қилиб, ижобий динамикага эришиш юзасидан чора-тадбирларни белгиласинлар. | Хўжайли ва Беруний туманларида ишбилармонлик муҳити ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва ижобий динамикага эришиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш. | Иқтисодиёт вазирлиги (Набатов),<br>Хўжайли (Ешбаев) ва Беруний (Эрманов) туманлари ҳокимликлари | М.Мамутов, А.Жуманиязов |
| 13 | Кегайли (Даулетов) ва Қонликўл (Сайжанов) туманларида жорий йилнинг 9 ойида ҳудудий раҳбарларининг эътиборсизлиги ва ўз вақтида чора кўрмаганлиги натижасида экспорт прогнозига киритилган ҳудудий корхоналарнинг томонидан белгиланган топшириқлар тўлиқ бажарилмаганлиги ушбу туманлар ҳокимларига кўрсатиб ўтилсин.<br><br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Мамутов, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, тегишли ҳокимликлар билан биргаликда экспорт миқдорини кескин орттириш, йил якуни билан экспорт прогнозини сўзсиз бажариш чораларини кўрсинлар. | Кегайли ва Қонликўл туманларида жорий йилнинг 9 ойида экспорт прогнозига киритилган ҳудудий корхоналар томонидан белгиланган топшириқлар ўз вақтида тўлиқ бажарилишини таъминлаш.<br><br>Экспорт миқдорини кескин орттириш, экспорт прогнозини сўзсиз бажариш чораларини кўришни таъминлаш. | Иқтисодиёт вазирлиги (Набатов),<br>ТИАИС вазирлиги (Айтбаев),<br>Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | М.Мамутов, А.Жуманиязов |
| 15 | Тадбиркорлар экспортини қўллаб- қувватлаш жамғармасининг ҳудудий филиалининг фаолияти (Камалов) қониқарсиз деб топилсин ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Айтбаев) билан биргаликда ўн кун муддатда ҳар бир туман (шаҳар)нинг экспорт қилишга бўлган имкониятларини ўрганиб чиқиб, уларга амалий ёрдамлар кўрсатсинлар. | Ҳар бир туман (шаҳар)нинг экспорт қилишга бўлган имкониятларини ўрганиб чиқиш ва уларга амалий ёрдамлар кўрсатишни таъминлаш чораларини кўриш.. | Тадбиркорлар экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҚР филиали (Камалов),<br>ТИАИС вазирлиги (Айтбаев),<br>Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | М.Мамутов, А.Жуманиязов |
| 16 | Қорақалпоғистон Республикасида табиий газдан дебитор қарздорликлар Тўрткўл (Сеитов), Қўнғирот (Зайтов), Хўжайли (Ешбаев), Беруний (Эрманов), Элликқалъа (Худайбергенов) туманларида ва электр энергиясидан дебитор қарздорлик Нукус шаҳрида (Опаев) ва Тўрткўл (Сеитов), Хўжайли (Ешбаев) туманларида ҳисобот даврида йил бошига нисбатан кескин ўсганлиги ушбу туманлар ҳокимликларига кўрсатиб ўтилсин. | Табиий газдан ва электр энергиясидан дебитор қарздорликларни камайтириш чораларини кўриш. | «Шимолгазтаъминот» УК (Кудайназаров),<br>«ҚҚҳудудийэлектртармоқлари» ОАЖ (Керимзатов),<br>Тўрткўл (Сеитов), Қўнғирот (Зайтов), Хўжайли (Ешбаев), Беруний (Эрманов), Элликқалъа (Худайбергенов), Нукус шаҳри (Опаев),<br>Тўрткўл (Сеитов), Хўжайли (Ешбаев) туманлари ҳокимликлари | М.Мамутов, А.Жуманиязов М.Аметов |
| 17 | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари М.Мамутов тегишли корхоналар раҳбарлари ва барча туман (шаҳар)лар ҳокимликлари билан биргаликда 3 кун муддатда Қорақалпоғистон Республикасида коммунал ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик карздорлигини йил якунига қадар камайтириш бўйича график ишлаб чиқиб тасдиқласин ва ижросини таъминлаш чорасини кўрсинлар. | Республиканинг коммунал ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик карздорлигини йил якунига қадар камайтириш бўйича график ишлаб чиқиб тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш чораларини кўриш. | «Шимолгазтаъминот» УК (Кудайназаров),<br>«ҚҚҳудудийэлектртармоқлари» ОАЖ<br>(Керимзатов),<br>«Туямуйин-Нукус» (Ханиязов),<br>Тегишли корхоналар раҳбарлари,<br>Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | М.Мамутов, А.Жуманиязов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 18 | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Ибрагимова), Ички Ишлар вазирлиги (Бердиев), "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими (Елмуратов), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Сабуров), "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши (Абдижамилов), туман (шаҳар)лар ҳокимликлари билан биргаликда алоҳида ишчи гуруҳи ташкил этиб, ноқонуний миграциянинг олдини олиш, тартибга солиш ҳамда хориждаги фуқароларни, айниқса аёлларни республикага қайтариш ва ишга жойлаштириш бўйича кескин чораларни кўрсинлар. | Ноқонуний миграциянинг олдини олиш, тартибга солиш ҳамда хориждаги фуқароларни, айниқса аёлларни республикага қайтариш ва ишга жойлаштириш бўйича алоҳида ишчи гуруҳи ташкил этиш ва ишларни амалга оширилиши бўйича кескин чораларни кўриш. | Ички Ишлар вазирлиги (Бердиев), "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими (Елмуратов), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Сабуров), "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши (Абдижамилов), Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | З.Ибрагимова, С.Бердимуратова |
| 19 | "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши (Абдижамилов) ва Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Сабуров) билан биргаликда ёшларни иш билан таъминлаш бўйича чуқур таҳлилий маълумотлар шакллантирилсин ҳамда уларни ишга жойлаштириш бўйича барча зарурий чоралар кўрилсин. | Ёшларни иш билан таъминлаш бўйича чуқур таҳлилий маълумотлар шакллантириш ҳамда уларни ишга жойлаштириш бўйича барча зарурий чоралар кўриш. | "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши (Абдижамилов) ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Сабуров), Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | М.Мамутов, Т.Абдухаликов, Б.Досимбетов |
| 20 | **Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари қониқарсиз даражада ташкиллаштирилганлиги сабабли ишсизлик даражаси Мўйноқ, Шўманой, Тахтакўпир, Кегайли ва Чимбой туманларида Республика кўрсаткичларидан ошиб кетганлиги ушбу шаҳар ва туманлар ҳокимларига кўрсатиб ўтилсин.**<br><br>Жорий йил якунига қадар иш ўринлари ташкил этиш прогноз параметрларини бажаришда, ишсизлик даражасини пасайтиришда ижобий ўзгариш бўлмаган тақдирда кескин чоралар кўрилиши тўғрисида ушбу туманлар ҳокимлари огоҳлантирилсин. | **Республикада аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ишларни талаб даражада олиб борилишини ташкиллаштириш ва туманларида ишсизлик даражасини пасайтириш чораларини кўриш.**<br><br>**Иш ўринларини ташкил этиш прогноз параметрларини бажариш, ишсизлик даражасини пасайтиришда ижобий ўзгаришни таъминлаш ва амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлигини ошириш.** | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Сабуров),<br>Мўйноқ (Утениязов), Шўманой (Давлетмуратов), Тахтакўпир (Шоназаров), Кегайли (Даулетов) ва Чимбой (Қазақбаев) туманлари ҳокимликлари | М.Мамутов, Т.Абдухаликов, А.Жуманиязов |
| 21 | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (Мамутов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Сабуров), Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси (Уразимбетов) ва барча туман (шаҳар)лар ҳокимликлари билан биргаликда жорий йилнинг 1 декабрига қадар касб-ҳунар коллежларининг 2013/2014 ўқув йили барча битирувчиларини эгаллаган касбларига мувофиқ тўлиқ ишга жойлаштиришнинг барча чораларини кўрсинлар. | Касб-ҳунар коллежларининг 2013/2014 ўқув йили барча битирувчиларини эгаллаган касблnbsp;/trwidth:199px; /рИқтисодиёт вазирлиги (Набатов),/р/tdА.Жуманиязовtd s/td tyle=арига мувофиқ тўлиқ ишга жойлаштиришнинг барча чораларини кўриш. | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Сабуров),<br>Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси (Уразимбетов), Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | М.Мамутов, Т.Абдухаликов |
| | Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича Нукус шаҳари (Опаев) ва Турткўл (Сеитов), Мўйноқ (Утениязов), Қонликўл (Сайжанов) туманларида энг паст кўрсаткичларни қайд этганлиги ушбу туманлар ҳокимларига кўрсатиб ўтилсин ва тумандаги коллеж битирувчиларининг ва уларнинг ота-оналари билан шахсан учрашувлар ўтказиш топширилсин.<br>Амалга оширилган ишлари юзасидан Вазирлар Кенгашининг йил якунига бағишланган мажлисида ҳисоботи тингланиши белгилаб қўйилсин. | Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича барча чораларини кўриш ва тумандаги коллеж битирувчиларининг ва уларнинг ота-оналари билан шахсан учрашувлар ўтказиш.<br>Амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Кенгашининг йил якунига бағишланган мажлисида ҳисоботи тингланиши белгилаб қўйиш. | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Сабуров),<br>Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси (Уразимбетов),<br>Нукус шаҳри (Опаев),<br>Тўрткўл (Сеитов), Мўйноқ (Утениязов), Қонликўл (Сайжанов) туманлари ҳокимликлари | М.Мамутов, Т.Абдухаликов |
| | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Сабуров), Статистика бошқармаси (Омаров) билан биргаликда бир ой муддатда 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрларини бажариш бўйича маълумотларнинг ишончлилигини танқидий таҳлил қилиш юзасидан янги иш ўринлари ташкил этиш кўрсаткичларини танлаб ўрганиб чиқсин.<br>**"Ўзбеккўмир" АЖ (Умаров) Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил<br>26 июндаги 06-06/1-443 сонли баёнининг 22-иловасидаги, ижтимоий соҳа муассасаларга қўшимча зарур бўлган 741 тонна, кўмирни юклашни жадаллаштирсин ва аҳолига куз-қиш мавсумига жамғариш режалаштирилган зарур кўмир миқдорини жорий йил 15 ноябргача етказиб берилишини таъминласин.**<br>Давлат рақобат қўмитаси (Қосназаров), Молия вазирлиги (Содиқов), «ҚҚкўмир» МЧЖ (Утамбетов), Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда куз-қиш даврида кўмир нархининг асоссиз ўсиб кетишига йўл қўймаслик юзасидан қатъий назорат ўрнатсин. | 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрларини бажариш бўйича маълумотларнинг ишончлилигини танқидий таҳлил қилиш юзасидан янги иш ўринлари ташкил этиш кўрсаткичларини танлаб ўрганиб чиқиш.<br><br>Куз-қиш даврида кўмир нархининг асоссиз ўсиб кетишига йўл қўймаслик юзасидан қатъий назорат ўрнатиш. | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Сабуров), Статистика бошқармаси (Омаров),<br><br>Давлат рақобат қўмитаси (Қосназаров),<br>Молия вазирлиги (Содиқов),<br>«ҚҚкўмир» МЧЖ (Утамбетов),<br>Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | М.Мамутов, Т.Абдухаликов, М.Аметов |
| | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Ембергенов)<br>Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимларининг эътибори иссиқлик тармоқлари, қозонхоналар ва қозонларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини бажариш юзасидан куз-қиш даврига тайёргарлик кўришда қолоқликка йўл қўйилаётганлигига қаратилсин.<br>Кўрсатиб ўтилган раҳбарларнинг инфратузилма объектларини куз-қиш даврига тайёрлаш ишларининг ҳолатини танқидий кўриб чиқсинлар ва назарда тутилган барча ишларнинг тугалланишини таъминласинлар. | Иссиқлик тармоқлари, қозонхоналар ва қозонларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини бажариш юзасидан куз-қиш даврига тайёргарлик кўриш ишларини ўз вақтида сифатли олиб бориш.<br>Инфратузилма объектларини куз-қиш даврига тайёрлаш ишларининг ҳолатини танқидий кўриб чиқиш ва назарда тутилган барча ишларнинг белгиланган муддатларда тугалланишини таъминлаш чораларини кўриш. | Вазирлик, қўмита, корхоналар ва ижтимоий соҳа объектлари раҳбарлари,<br>Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | Ж.Ембергенов, М.Аметов |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Ембергенов) Нукус шаҳри (Опаев) ва Хўжайли тумани (Ешбаев) ҳокимлари билан биргаликда:<br>икки ҳафта муддатда кўп қаватли уй-жойларнинг томларини, йўлакларини ва мухандислик коммуникацияларини таъмирлаш, шунингдек йулакларга темир эшик, ойна кўзлари, қулфлар ўрнатиш ва бошқа ишларни бажариш;<br>10 кун муддатда тижорат банклар раҳбарлари билан биргаликда ширкатлар ва бошқарув сервис компаниялари учун тасдиқланган Дастурларда белгиланган банк кредитларини тўлиқ ажратиш ва уй-жойлар атрофини ободонлаштириш ва тозалаш ишларини доимий равишда олиб бориш бўйича тегишли чоралар кўрсинлар. | Кўп қаватли уй-жойларнинг томларини, йўлакларини ва мухандислик коммуникацияларини таъмирлаш, шунингдек йулакларга темир эшик, ойна кўзлари, қулфлар ўрнатиш ва бошқа ишларни бажариш;<br><br>Тижорат банклар раҳбарлари билан биргаликда ширкатлар ва бошқарув сервис компаниялари учун тасдиқланган Дастурларда белгиланган банк кредитларини тўлиқ ажратиш ва уй-жойлар атрофини ободонлаштириш ва тозалаш ишларини доимий равишда олиб бориш бўйича тегишли чоралар кўриш. | ЎзР Марказий банкнинг ҚР бош бошқармаси (Алланиязов), тижорат банклар филиаллари,<br><br>Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | Ж.Ембергенов,<br>М.Мамутов,<br>Г.Атаханов,<br>А.Жуманиязов |
| Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари М.Мамутов тегишли вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда куз-қиш даврига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш ишларини ўн кун муддатда якунига етказилишини таъминлаш чораларини кўрсинлар. | Куз-қиш даврига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш ишларини якунига етказилишини таъминлаш чораларини кўри. | тегишли вазирликлар, идоралар ва ижтимоий соҳа объектлари раҳбарлари,<br>Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | М.Мамутов,<br>М.Муханов,<br>Т.Абдухаликов |
| Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси (Достанов) Иқтисодиёт вазирлиги (Набатов) билан биргаликда 3 кун муддатда барча шаҳар ва туманларда куз-қиш даврига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш ишларини ўрганиб чиқсинлар ва йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш чоралари бўйича Вазирлар Кенгашига таклиф киритсин. | Нукус шаҳри ва барча туманларда куз-қиш даврига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш ишларини ўрганиб чиқиш ва йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш чоралари бўйича Вазирлар Кенгашига таклиф киритиш. | Давлат солиқ бошқармаси (Достанов), Иқтисодиёт вазирлиги (Набатов),<br>Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари | М.Мамутов,<br>М.Муханов,<br>Т.Абдухаликов |

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг**
**2014 йил "17"ноябрдаги**
**2416 - сонли баённига 2- илова**

**Қорақалпоғистон Республикасини "2013**

*Ko'rib chiqildi:*